

# Сийрат 197-дарс. Аллоҳдан кўра рашкчироқ бирор зот йўқ



19:00 / 19.08.2022 2048

758. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ рашк қилади. Мўмин ҳам рашк қилади. Аллоҳнинг рашки мўминнинг Аллоҳ ҳаром қилган нарсасини қилишидан келади», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

\* \* \*

759. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Аллоҳдан кўра рашкчироқ бирор зот йўқ. Шунинг учун ҳам У зот ошкор ва махфий фаҳш ишларни ҳаром қилган. Аллоҳдан кўра ўзининг мадҳ қилинишини яхши кўрадиган бирор зот йўқ. Шунинг учун ҳам, У зот Ўзини мадҳ қилган», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

\* \* \*

760. Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Саъд ибн Убода: «Агар хотиним билан бегона эркакни кўрсам, уни қиличнинг тиғидан ўтказар эдим», деди. Бу (гап) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етганда: «Саъднинг рашкидан ажабланияпсизларми? Мен ундан кўра рашкчироқман, Аллоҳ мендан кўра рашкчироқ. Аллоҳ рашки учун ошкор ва махфий фаҳш ишларни ҳаром қилган. Аллоҳдан кўра узрни яхши кўрадиган бирор зот йўқ. Шунинг учун ҳам У зот башорат берувчи ва огоҳлантирувчиларни юборган. Аллоҳдан кўра ўзининг мадҳ қилинишини яхши кўрадиган бирор зот йўқ. Шунинг учун ҳам у зот жаннатни ваъда қилган», дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**